



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVNING MUSTAQIL DAVLATLAR HAMDUSTLIGI DAVLAT RAQBARLARI KENGASHINING MAJLISIDAGI NUTQI

Мухтарам раис!
Хурматли давлат рақбарлари!
МДХ давлат рақбарларини кутлаш, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Учрашувимиз, бу ерда таъкидланганидек, халқаро вазият шиддат билан ўзгараётган, геосиёсий кескинлик ва сиёсий қарама-қаршиликлар авж олаётган, қачон тугаши ёки пайсаноми номаълум бўлган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, диний фанатизм радикаллашаётган ва фаоллашаётган, яқин ва узоқ мамлакатларда зиддиятли вазиятлар кескинлашиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Кенг тарқалаётган зўравонлик, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг реал таҳдидлари кучайиб, айрим мамлакатлардаги вазиятни ўта чигаллаштириб, юзага келган қарама-қаршиликларни хунрезликка айлантираётган ва ўзини назорат қила олмай қолган баъзи сиёсатчи ва сиёсатдонларнинг, айниқса, телеканаллар орқали агрессив даъватлар билан чиқаётгани бизни ташвишга солмай қўймайди, албатта.

Юзага келаётган таҳликали вазиятни тўғри баҳолашда қандай фожияли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиши қийин эмас.

Масалан, Афғонистонда қарий 35 йилдан буён давом этаётган биродарқушлик уруши миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди, яна миллионлаб инсонларни қочқинга айлантди. Мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқариб, вайронгарчиликка олиб келди. Бугун шундай бир авлод воёга етдики, улар қурол тугиш ва ундан фойдаланишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди.

Бу мамлакатни босиб олиш осон эмаслиги азиздан маълум эди. Бунга Афғонистон тарихидан қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Биз, ҳаммамиз бу мисолларни яхши биламиз ва шунга қатъий ишонамизки, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди.

Биз Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бугун қатъий ишонамизки, ушбу мамлакатда бир-бирига қарши курашаётган барча асосий этник-диний сиёсий кучлар вакиллари билан иборат янги ҳужумат қанчалар тез шакллантирилса, бу беқарорликка, қашшоқликка барҳам бериш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун йўл очиб беради.

Украина масаласига келсак, бизнингча, юзага келган муаммоларни ҳал этиш усули сифатида куч ишлатишдан воз кечиш, фақат халқаро ҳуқуқнинг муҳим нормаларига ва БМТ Низомига асосланган сиёсий воситалардан фойдаланиш, томонларнинг ўт очишни тўхтатиш ва ярашиш бўйича Минск келишувини сўзда эмас, амалда тўла бажариши Украинада тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар жараёни учун зарур шарт шарт яратиши мумкин.

Афғонистон, бу борада кўзда тутилган ва музокара жараёнига ёрдам берадиган жиддий сиёсий масалалар муҳокамаси ҳамон бошлангани йўқ.

МДХ давлат рақбарларининг бугунги учрашувига бевосита тааллуқли

бўлган яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Икки кун аввал бизнинг учрашувимизда Украина президенти жаноб П.Порошенко иштирок этиши ҳақидаги хабар муҳим янгилик сифатида тарқатилди. Бироқ, кеча кечқурун жаноб П.Порошенко учрашувга келмаслиги, унинг режалари ўзгариб қолгани хабар қилинди. Бизнингча, бундай қарорни маъқуллаб бўлмайди. Салкам бир йилдирки, Украинадаги қарама-қаршиликлар энг долзарб муаммолардан бири сифатида бутун дунёда, жумладан, собиқ иттифоқ ҳудудида муҳокама этиб келинмоқда. Дарвоқе, бугун энг чекка туманлар, қишлоқлар аҳолиси ҳам Украинада қандай воқеалар рўй бераётганини телевидение орқали кўриб, билиб турибди. Бундай шароитда ушбу воқеаларга лоқайд қарайдиган одам бўлмас керак. Украинада нималар юз бераётгани ва булар қандай бошланганидан деярли барча яхши хабардор. Ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги зиддиятлар қачон ва қандай тугашини ҳамма кутмоқда. Бинобарин, бу муаммо имкон қадар тезроқ ўз ечимини топиши даркор.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик: МДХ давлат рақбарларидан қайси биримиз жаноб П.Порошенко билан юзма-юз учрашдик? Фақат айримларгина. Ўтган вақт мобайнида П.Порошенко Европанинг қўллаб мамлакатларида, айниқса, Брюсселда, бошқа давлатларда бўлди.

Ҳолбуки, у МДХнинг бугунги саммити мажлисида иштирок этиб, имкониятдан фойдаланиши мумкин эди. Дарвоқе, Украина ҳали МДХ таркибидан чиққани йўқ. Шундай таассурот пайдо бўлмоқдаки, жаноб П.Порошенко иккилик турибди ва МДХдан чиқиш фойдами ёки зарари эканлигини ўзига аниқ тасаввур қила олмаяпти. Энг муҳими, у бугунги мажлисда иштирок этиб, ўз фикрини баён қилганида, Украина муаммосини ҳал этиш борасида биз учун аниқлик киритилган бўлар эди. Афғонистон, бундай бўлмади.

Хурматли дўстлар!
Бугунги мажлисимиз раиси Александр Григорьевич Лукашенко ўз нутқининг пировадида МДХни янада ривожлантириш истиқболларини ошқора муҳокама қилиш вақти келганини таъкидлади.

Биз учун МДХнинг аҳамияти, бarchамизнинг манфаатларимиз ҳисобга олинган ҳолда, шериклар билан ўзаро фойдали ва серқирра ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигимиз аниқ ва равшандир.

Ҳамдўстлик — бу амалдаги мустақкам шартномавий-ҳуқуқий базага эга, пухта ишлаб чиқилган восита ва механизмлари асосида бевосита халқаро мулоқот, долзарб масалаларни муҳокама қилиш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги мунозара ва турлича қарашларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар тақдим этадиган тузилмадир.

МДХ мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан кенг фойдаланиш, террористик ва экстремистик ҳаракатларнинг вақтида олдини олиш, уларга қарши курашиш ва бартараф этиш, энг муҳими, собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилишига қўмақлашиш бўйича мақбул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган

амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. Бугун ушбу ҳудудда ўзининг эртанги кунини МДХнинг шартномавий базаси яратган мулоқотсиз тасаввур қила оладиган мамлакат кам. Ҳатто Грузия ҳам жиддий хатога йўл қўйганини бугун тушуниб етмоқда.

МДХ маконида барқарор тараққиётни таъминлаш, биринчи навбатда, ўзимизга, яъни Ҳамдўстлик давлатларига боғлиқ. Бу борада мен барча яқин ва узоқ қўшнилари билан биримизни тушуниш, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш, ўз жамиятимизни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш зарурлигини назарда тутмоқдаман.

МДХ ҳудудида айни пайтда амалда қўлланилаётган савдо тартибига зарар етказмайдиган принципларга асосланган муқаммал эркин савдо зонасини ташкил этиш ва уни тезроқ ишга тушириш кўп жиҳатдан ушбу мақсадларга эришиш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш имконини беради. Бугун Владимир Владимирович Путиннинг ўзаро муносабатларимизни янада мустақкамлаш учун энг жозибдор модель сифатида ушбу тартибни ишга тушириш вақти аллақачон етгани ҳақидаги таклифини мамнуният билан тингладим.

Бу халқларимизни яқинлаштирадиган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалаларни узил-кесил ҳал этишга ёрдам берадиган ягона иқтисодий модель бўлиб, бунга биз бежиз алоҳида эътибор қаратаётганимиз йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, собиқ иттифоқ маконида бошқа интеграцион бирлашмалар шакллантирилишига қарамай, МДХ фаолияти йўлида бирон-бир тўсиқ йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу ўринда гап Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида бормоқда. Бу ерда ҳам муҳокамага сабаб бўладиган ҳеч қандай муаммо кўрмаймиз.

Шу билан бирга, ушбу давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири, жумладан, негизда Евроосиё иқтисодий иттифоқи тузилаётган МДХ ҳам — дарвоқе, ушбу иттифоқ нима асосда ташкил этилаётгани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди — бир-бирини тақдорламастан, ўз фаолиятини мустақил йўлга қўйиш, ривожланиш концепцияси ва узоқ муддатли дастурига эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Агар мазкур шартларга риоя этилмаса, ушбу бирлашмаларнинг ўзаро мувофиқ равишда фаолият кўрсатишига умид қилиш қийин.

Шу ўринда МДХ масалаларининг бугунги муҳокамаси уларга бежиз эътибор қаратмаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди. Мен аввал ҳам айнан мана шу залда бу масала бўйича қуйидаги фикрни баён қилган эдим: мазкур жараён шу залда давом этаверса, яъни МДХ саммитларига шунчаки бориб-келинаверса — бу ўзини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарсасиз эмас. Шунинг учун кўплаб ҳамкасбларимизнинг ушбу масалалар, айниқса, МДХ истиқболи билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрларига қўшиламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕХНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлигини мустақкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2015 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгилаб қўйилсинки, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йил ва ундан кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштиришга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси:

бир ҳафта муддатда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг рўйхатини аниқлаштирсинлар;

санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустақкамлаш, уларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг бекам куёт соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, ўз қарамоғида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар:

бир ой муддатда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат

fronti фахрийларини ўз қарамоғидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, унда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун йўланмалар қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига белгиланган нарҳларда тўлаш тартибини назарда тутсинлар;

Низом тасдиқлангандан кейин 10 кун мобайнида уни вазирликлар ва идоралар хайъатларида, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналарнинг бошқаруви йиғилишларида кўриб чиқсинлар;

кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли идоравий меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2014 йил 13 октябрь

И.КАРИМОВ



ЎЗБЕКISTON ПАХТАСИ ВА Тўқимачилик саноати: ЮКСАК СИФАТ, ЮҚОРИ ТАЛАБ



Тошкентда 13 октябрь куни Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди

Мамлакатимизда пахта ярмаркасини юксак савияда ўтказиш яхши аънавага айланди. Ун йилдирки, бу ерда дунёнинг турли мамлакатларидан пахта ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар тармоқни ривожлантириш тенденциялари, жаҳон бозоридagi нархлар конъюнктурасини муҳокама этиш, Ўзбекистон пахта саноати билан танишиш, пахта толаси ва ундан тайёрланган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича бевосита шартномалар тузиш имконига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон билан пахта бизнесида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораётир. 2005 йилда Халқаро Ўзбе-

кистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, жорий йилда элликка яқин давлатдан 1000 дан

ортиқ фирма ва компания вакиллари ташриф буюрди. Сўнгги 10 йилда Ўзбекистон пахтасини экспорт қилиш географияси анча кенгайди. Масалан, 2000 йилда юртимиз далаларида етиштирилган ҳосил асосан Европа давлатларидаги бозорларда сотилган бўлса, кейинги вақтда Хитой, Бангладеш ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

► Давоми 3-бетда.

САЙЛОВ — 2014

Ишончли вакил

депутатликка номзод муваффақияти учун курашади

Сайлов жараёнлари мамлакатда демократик тамойиллар қанчалик мустақам қарор топганини кўрсатади. Шу боис юртимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар сайлов тизимини янада ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясига кўра, сўнгги йилларда сайлов қонунчилиги халқаро талаблар асосида такомиллаштирилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Сайлов жараёни билан боғлиқ ҳар қандай масала ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун қонунчиликда сайлов жараёниға алоқадор барча ҳижат ва фаолиятлар қонунларда аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, депутатликка номзод ишончли вакиллари сайлов жараёнидаги иштироки, вазифалари тегишли нормаларда мустақамланган.

Бугунги кунда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилмаётган депутатликка номзодлар ўз дастурларини, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларға, жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратиб берилган. Шунингдек, депутатликка номзоднинг дастурларини тарғибот-ташвиқот қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараёнларда ишончли вакил институтига муҳим ўрин берилмоқда.



Аваз САИДОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими мудири ўринбосари:

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-ва 38-моддаларига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Демак, ана шу давр ишончли вакиллар учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 28-моддасида депутатликка номзод ишончли вакиллари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари белгилаб берилган. Унга

мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигиға номзод ўн нафарға қадр ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакилнинг асосий вазифаси — номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юртиш бўлиб, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Шу боис ишончли вакилликка танланган шахслар эл-юрт ўртасида обрў-эътиборға эга, ўз вазифасини

Сотиболди БОБОҚУЛОВ,

юридик фанлари доктори, профессор, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси:

— «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддаси депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари ҳақида. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигиға номзод уч нафарға қадр ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Қонунчиликда депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакиллари ўзи белгилаши ҳуқуқи берилган. Бу ҳақда у округ сайлов комиссиясига маълум қилиши зарур. Шундан сўнг сайлов комиссияси ишончли вакиллари рўйхатга олади ҳамда уларға

гувоҳнома топширади.

Шунингдек, депутатликка номзод сайловға қадр ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ёки уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Фақатгина бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилиши талаб этилади. Ўз навбатида, ишончли вакилга ҳам истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳуқуқи берилган.

Қонунчиликка кўра, ишончли ва



Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

кил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Умуман олганда, депутатликка номзоднинг ишончли вакили — рўйхатга олинган номзод томонидан таъинланганда, ўз фаолияти билан тегишли номзоднинг сайланишиға кўмаклашадиган шахсдир. Шунли алоҳида таъкидлаш жоизки, ишончли вакиллари тайинлаш депутатликка номзоднинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Бу ҳуқуқдан самарали фойдаланиш эса депутатликка номзоднинг муваффақиятға эришишда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

САЙЛОВДАН — САЙЛОВГАЧА БИЗ НИМАЛАРГА ЭРИШДИК?

Одамларнинг партиямизга ишончи мустақамланмоқда

Бунга, албатта, электорат манфаатларини ҳимоя қилишға қаратилган аниқ ташаббуслар ва амалий ишлар ҳисобига эришилмоқда

Одамлар ишончини қозониш осон эмас. Эътироф этишға арзийдиган аниқ иш қилинса, жойлардаги муаммолар ечими йўлида жон койитилса, одамлар унга ишонади.

ЎзХДП Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туман кенгаши бу борада яхши тажрибаға эга.

Халқ депутатлари туман Кенгашида ЎзХДП вакиллари 22 нафарни ташкил этади. Улар электорат манфаатиға хизмат қиладиган вазифаларни ҳал этишға қаратилган қонунлар, қарорлар ва фармонлар ижросини таъминлашда, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига ишлаб чиқариш ва ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналар барпо этиш, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишға қаратилган учта масала киритилди.

Сўнгги йилларда вилоятда йўл қурилиши ишлариға, уларни жаҳон талаблари даражасида таъмирлашға янада катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса юк ва йўловчи ташишда қўлайликлар яратмоқда. Аммо Жарқўрғон туманининг Урол Худойбердиев номи маҳалласидаги 2,2 километр ички йўл кўп йиллардан буён таъмирталаб эди. ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига муҳокама этилганидан сўнг ички йўлни таъмирлаш ишлари давлат таъйиниға киритилди ҳамда таъмирланди.

«Пахта завод» маҳалласида 4 мингға яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муҳаббат Ҳалимова. — Анча вақтдан бери аҳолини ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ айрим муаммолар қийнаб келаётганди. Партия гуруҳи ташаббуси билан мазкур масала ўрганилиб, сессия кун тартибига киритилди. Унда қабул қилинган қарор асосида «Бештерақ» мавзесида янги артезиан кудуғи қазилди ҳамда аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси электоратни қийнаётган муаммолар бартараф этилиши, ечимини кутаётган масалалар ижобий ҳал этилишида муҳим механизм бўлиб хизмат қилмоқда. Бу тизимға ўтган йилнинг 9 ойида 40 нафарға яқин киши мурожаат қилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 62 на-

фар фуқаро турли масалаларда мурожаат қилган. Депутатлар ва фаоллар томонидан олиб борилаётган амалий ишлар натижасида мурожаатларнинг 80 фоиздан ортиги ижобий ҳал этилган.

Маҳалламизда 250 дан ортиқ хўжалик бор, 2 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди «Оққўрғон» маҳалласида яшовчи Бобомурод Чориев. — Кўп йиллардан буён аҳоли томорқаларини, фермер хўжалиқларини ерларини сўғориш ишларида муаммолар бор эди. Ўтган йилнинг баҳорида Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдик. Партия кенгаши ташаббуси билан Оққўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини, «Эски қўрғон» ва «Нури келажак» фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва мутасаддилар иштирокида масала атрофича ўрганилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланди. 2014 йилнинг баҳорида эса «Оққўрғон 6-1» зовурининг 1,5 километри тозаланиб, тўлиқ таъмирланди. Шундай қилиб, 250 дан ортиқ хонадон томорқаси, «Эски қўрғон» ва «Нури келажак» фермер хўжалиқлари ер майдонларини сўғориш бўйича мавжуд муаммолар ечимини топди. Натижада одамларнинг ердан даромад олиш имконияти янада кенгайди.

Бундай самимий фикрларни кўпчиликдан эшитиш мумкин. Демак, туманда электорат манфаати учун ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда ҳамкор ташкилотлар билан ҳам мустақам алоқа ўрнатилган. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйилган, мунтазам равишда кўчма Жамоатчилик қабулхонасини ташкил этишға эътибор кўрилмоқда.

— Мустақиллик йилларида ҳудудлар ўзгача қиёфа касб этди, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ЎзХДП аъзоси Содиқ Бобоназаров. — Айни кунларда туманимизда 15 та қишлоқ ва 63 та маҳалла фуқаролар йиғинида 192 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Туман партия кенгаши билан марказдан 50-60 километр олдига қайлашган Дам, Қорақўрсек, Оққўрғон, Қораёғоч каби қишлоқларда учрашув, йиғилиш ва очиқ муло-

қотлар ўтказдик. Бу каби тадбирлар, тарғибот ишлари касаначиликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятға эга бўлмоқда.

— Ўтган йили Қақайди транспорт ва алоқа касб-ҳуна қоллежини тугатдим, — дейди Нигора Қайумова. — Маҳалламиз шаҳар марказидан 25 километр узоқ бўлгани боис, ўз мутахассислигим бўйича иш тополмадим. ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши ташкил этган Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилиб, ҳудуддаги хусусий корхоналардан бириға ишға жойлашдим.

— ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши билан мустақам алоқа ўрнатганимиз, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори, ЎзХДП аъзоси Шуҳрат Боймуродов. — Бугунға қадр ҳамкорликда 5 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этдик. Ишлаб чиқариш объектларини ишға тушириш, касаначилик, хунарманчилик, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, чорвачиликни ривожлантириш каби соҳаларда 1200 нафардан ортиқ киши доимий иш ўринларига эга бўлди. Йил охиригача яна 3 марта ана шундай тадбир ўтказмоқчимиз. Бу борада ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши ва депутатлар билан таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда мунтазам учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

— Биз асосий эътиборни электорат манфаати ҳимоясига қаратаямиз, — дейди ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Алишер Маматмуродов. — Табиийки, жойларда ечимини кутаётган муаммолар бор. Фаоллар ва депутатларимиз билан уларни чуқур ўрганиш, келиб чиқиш сабабларини бартараф этишға ҳаракат қилаймиз. Бу борада аниқ мақсад ва режаларимиз бор. Галдаги вазифа эса сайловда муносиб иштирок этишға қаратилган. Бу борада махсус дастур асосида иш олиб бораёلمиз. Асосий мақсад — халқнинг ишончини қозониш ва оқлаш. Бунинг учун куч ва салоҳиятимиз етарли.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Фракция фаолияти

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қўлай ташкилий-ҳуқуқий шароит яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Яқинда парламент Қонунчилик палатасига киритилган «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишиға салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шунга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Болаларнинг ахборот хавфсизлиги

кафолатлари янада кучаяди

ЎзХДП фракцияси ишчи гуруҳининг йиғилишида мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун қабул қилиш масаласи муҳокама этилди. Йиғилиш иштирокчилари, аввало, эътироф этишдики, мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояға етказиш вазифаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Лекин ҳозирги тезкор глобаллашув шароитида ўсиб келадиган болаларни турли хавфли ахборот таъсирларидан ҳимоя қилиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

— Айниқса, болаларни уларнинг жисмоний, руҳий, ижтимоий, маънавий ривожланишиға зарар етказадиган ахборотлардан, жумладан, зўравонлик, шафқатсизлик, ахлоқсизлик, жамиятға қарши ҳаракатларни тарғиб қилувчи босма ва аудио-ви-део маҳсулотлар, турли компьютер ўйинларидан ҳимоя қилиш, бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмни аниқ белгилаш муҳимдир, — дейди ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев. — Дастлабки тарзда кўриб чиқилмаётган қонун лойиҳаси шу мақсадға қаратилган. Мазкур ҳужжатда баён этилаётган меъёрлар ЎзХДП дастурий мақсадларига мувофиқ келади. Маълумки, партиямиз Сайловолди дастурида ёш авлод ҳар томонлама баркамол бўлиб ўлғайиши учун қўлай шароит яратиш, бу борадаги ислохотларни изчил давом эттиришға алоҳида эътибор берилган.

— Қонун лойиҳасида болалар ўртасида тарқатиш таъқиқланган ёки маълум ёш тоифасидаги болалар ўртасида тарқатиш чекланган ахборот маҳсулотлари тури аниқ белгилаб берилмоқда, — дейди ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Ҳолиқова. — Шунингдек, унда ахборот маҳсулотини ёшға қараб таснифлаш (масалан, 7 ёшгача, 7 ёшдан 12 ёшгача каби), ахборот маҳсулотининг жанри, мавзуси, мазмуни ва безаги, тегишли ёш гуруҳидаги болаларнинг ахборотни қабул қилиш хусусиятлари назарда тутилмоқда. Буларнинг барчаси фарзандларимизни аёвсиз ахборот хуружидан ҳимоялашда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун қонун лойиҳаси парламентда кўриб чиқиш учун қабул қилинишини қўллаб-қувватлайман.

Муҳокамаларда сўзға чиққан ишчи гуруҳ аъзолари қонун лойиҳаси бўйича дастлабки ижобий фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Натижада қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулосаға келинди ва у маъсۇл кўмитаға тақдим этилди.

Шунингдек, йиғилишида ЎзХДП дастурий мақсадларига мувофиқ тақлифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳнинг вазифалари белгилаб олинди.

Энди мазкур ҳужжат фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида дастлабки тарзда муҳокама қилинади.

Ўз мухбиримиз.

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Хоразм вилоятининг Хонқа туманида «Хотин-қизлар — жамият таянчи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сайлов жараёнларида муносиб иштирокини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишида

хотин-қизлар фаоллиги ошиб бормоқда

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров давра суҳбатини очар экан, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани ва мустақамлангани, уларға кўрсатилмаётган эътибор ва ғамхўрлик, бунинг амалдаги самараси ҳақида тўхтади. Айниқса, миллий қонунчилигимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари билан боғлиқ меъёрлар алоҳида акс этирилгани, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини тобора кучайтираётганини мисоллар билан қайд этди.

— Хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаоллигини ошириш партия-мизнинг асосий мақсадларидан биридир, — деди у. — Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП ташаббуси билан жойларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштиришдаги иштирокини кучайтириш масалаларига оид қатор тадбирлар ташкил этиляпти. Мазкур тадбирларда аҳоли, хусусан, хотин-қизларға сайлов қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиланишлар тушунтирилиб, уларни қизиқтирган саволларға жавоб бериляпти.

— Юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда сайлов қонунчилигиға киритилган ўзгаришлар муҳим аҳамиятға эга бўлди, — деди Томадургадлик қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, ЎзХДП фаоли Зулфия Иброҳимова. — Унга мувофиқ, сиёсий партиялардан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигиға кўрсатилмайдиган номзодлар орасида хотин-қизлар 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Демак, биз хотин-қизлар ўртасида ўтказаятган ижтимоий-сиёсий тадбирларимизни янада кўпайтиришимиз керак.

Давра суҳбатида хотин-қизларни йўлантираётган масалаларни бартараф этиш бўйича партия кенгашларига аниқ тавсиялар берилди.

Санобор БЕРДИЕВА, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири.

Бўлиб ўтажак парламент сайловлари мавзусига бағишланди

Ўзбекистоннинг Пекиндаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясида шу йил декабрь ойида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган парламент сайловларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг етакчи мутахассислари ҳамда Хитой ижтимоий фанлар академияси вакиллари ҳозир бўлган мазкур тадбир чоғида республикамизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишға йўналтирилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида фикр юритилди.

Хитой томони вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришларға катта қизиқиш билдиришар экан, улар мамлакатимизда халқаро меъёрларға мувофиқ равишда миллий сайлов тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларға юқори баҳо бердилар.

Жумладан, Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг президенти Цзи Чжие Ўзбекистон Хитой Халқ Республикасининг Марказий Осиёдаги муҳим шериги эканлигини алоҳида таъкидлади. У эътироф этганидек, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов етакчилигида демократияни ривожлантириш юзасидан салмоқли ижобий натижаларға эришилган.

— Кўхна тарихға эга бўлган Ўзбекистон бугун ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишиға оид масалаларини муваффақиятли ҳал этмоқда ва фаол ташки сиёсат олиб бормоқда, — деди у. — Аҳоли фаровонлиги даражаси узлуқсиз ўсиб бораётир, мамлакатда тинчлик ва бар-

қарорлик ҳукм сурмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган оқилона ва вазмин сиёсатнинг натижаларидир.

Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси Марказий Осиё тадқиқотлари бўлимининг мудири Дин Сяосин ҳам Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш борасида катта муваффақиятларни кўлга киритаётганини қайд этди.

— Ўзбекистон раҳбарияти томонидан пухта ўйлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий стратегия жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакатда ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди, — деди эксперт. — Сўнгги йилларда ўртача ўсиш суръати саккиз фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон давлат сиёсатининг марказида бўлган ижтимоий соҳада ҳам эътиборға молик ютуқларға эришди.

Дин Сяосин мамлакатимизда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик, аҳолининг фаол фуқаролик позицияси сайловлар муваффақиятли ўтишининг гарови бўлишиға ишонч билдирар экан, Ўзбекистоннинг келажакни белгилаб берадиган ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятға ижобий таъсир кўрсатадиган мазкур сиёсий тадбир катта аҳамиятға эга эканлигини таъкидлади.

«Жаҳон» АА, Пекин

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ЮКСАК СИФАТ, ЮҚОРИ ТАЛАБ

Ярмаркада қатнашиш учун пойтахтимизга келган хорижий иштирокчилар Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳонда пахта етштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича бешинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги саъй-ҳаракатлари пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича янги технологияларни жорий қилиш, унинг сифат ва техник хусусиятларини яхшилаш, энгил саноатни янада ривожлантириш, хомашёни қуқур қайта ишлашни кенгайтириш ва қўшимча қўйматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган.

— Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ўнинчи марта иштирок этмокдаман, — дейди «Cotton Outlook» халқаро агентлигининг бошқарувчи директори Р.Батлер. — Ушбу ярмарка пахта ҳамда тўқимачилик бизнеси иштирокчиларида тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Ярмарка Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик саноати салоҳиятини намойиш этувчи бош дастурга эга. Буларнинг барчаси соҳада салмоқли ютуқларга эришилаётганидан далолат беради. Агентлигимиз юқори сифат кўрсаткичларига эга ва жаҳон бозоридида харидордир Ўзбекистон пахта буйича алоҳида котиловкаларни мунтазам чоп этиб келмоқда. Самарали ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этишига ишонаман.

Бугунги кунда мамлакатимиз селекциянерлари томонидан 107 янги пахта нави яратилган, улардан 27 таси давлат реестрига киритилган ва юртимизнинг турли вилоятларида экиш учун тавсия қилинган. Олимларимиз

селекция ишларини режалаштиришда иқлим шароитларини инобатга олиб, толанин юқори унмдорлиги ва сифати, шўрланиш ва нам етишмаслиги, касаллик ҳамда зараркундалар ва юқори ҳаво ҳароратига чидамлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

«Ўзэкспомарказ»да жорий йилда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тола намуналари кўйилган. Чет эллик экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон пахта саноатида амалга оширилган таркибий туб ўзгаришлар юртимизда етштирилган пахта толасининг жаҳон бозоридидаги нуфузи ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларининг модернизация қилиниши ва технологик янгиланиши бу борадаги муҳим ютуқлардан биридир. Корхоналарда ишлаб чиқариш майдонлари қисқартирилмоқда, энергия тежайди-ган технологиялар, хомашё ҳамда маҳсулотларни автоматлаштирилган тарзда назорат қиладиган ва электрон ҳисобга оладиган тизим-

ларга эга замонавий ускуналарга жорий этилмоқда.

Бремен пахта ассоциацияси ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси аъзоси бўлган «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертифицирлаш марказининг «Ўзпах-тасаноат» уюшмаси билан биргаликда саъй-ҳаракатлари самарасида пахта ҳамда тайёр пахта маҳсулотларини таснифлаш тизимининг такомиллаштирилгани тола сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Марказ ва унинг худудий лабораторияларида тола хусусиятлари замонавий HVI юқори технологик тизими ёрдамида текширилмоқда. Истеъмолчилар бундай текширув натижаларига тўлиқ ишонди. Негаки, ушбу тизим энг юқори халқаро талабларга жавоб беради.

— Ўзбекистон пахта толасининг юқори сифати билан ажралиб туради, — дейди Бангладеш пахта ассоциацияси президенти М.Аюб. — Бу йил мамлакатимиздан 175 минг тонна пахта толаси харид қилиниши режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда пахта терими механизациялаштирилган етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ва самарали йиғиб-териб олиш, пахтани ўз мuddатида истеъмолчиларга етказиб бериш имконини бермоқда. Шу мақсадда Ўзбекистонда модификация янада яхшилланган пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Масалан, «Uz Class Agro» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси базасида чигит қадаш, гўза қатор ора-ларига ишлов бериш, пуракш, культивация ва чеканка қилиш имконини берадиган замонавий русумдаги тракторлар ишлаб чиқарилаётди.

Жорий йилда пахта далаларида юртимизда ишлаб чиқарилган 1200 дан зиёд машинадан фойдаланилмоқда.

Республикамизда 90-йилларда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми атиги 7 фоизни ташкил қилган бўлса, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида 2011 йил охирида бу кўрсаткич 40 фоизга етди. Экспертларнинг таъкидлашича, 2016 йилда Ўзбекистонда пахта толасини қайта ишлаш кўрсаткичи 60 фоизга етиши лозим.

Мамлакатимизда пахта экспортини хомашёдан юқори қўшимча қўйматга эга тайёр маҳсулотга босқичма-босқич йўналтириш энгил саноат имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётди. Бугунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига қарий 300 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 385 минг тонна калава, 284,5 миллион квадрат метр газлама, 22,3 минг тонна трикотаж мато, 88,5 миллион дона тикуччилик-трикотаж буюмлари, 43,1 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Барқарор хомашё базасининг мавжудлиги, пахта толаси сифатининг юқорилиги, ресурслар нархининг қулайлиги, юқори маалакли ходимларнинг мавжудлиги соҳага чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳажмини ошириш имконини бераётди. Шу боис ҳар йили мамлакатимизда янги қўшма тўқимачилик корхоналари ташкил этилиб, уларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилимоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимизда сунги 4 йилда Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Япония,

Ҳиндистон ва бошқа давлатлар инвесторлари иштирокида саксондан ортиқ корхона ташкил этилган. Айни пайтда энгил саноатимиз салоҳияти тобора юксалиб бормоқда, бунда ишлаб чиқилаётган моделларни бозор конъюнктура-си ҳисобга олинган ҳолда янгилаш, рақобатбардош либослар моделларини яратиш, корхоналарга буюртмалар портфелини шакллантиришда кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўзбекистонда энгил саноат корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор берилмоқда, — дейди «Ритер АГ» компаниясининг катта вице-президенти К.Лиське. — Мамлакатимизда илғор технологияларнинг жорий этилаётгани самарасида юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилимоқда. Бундан ташқари, соҳага инвестиция киритиш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Масалан, 2012 йилда Ўзбекистонда ишга туширилган «Ритер Ўзбекистон» хорижий корхонасида тасмали, тароқли ва йиғирув ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда ва биз бундан мамнунмиз.

Ярмаркада мамлакатимиз энгил саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ип, газлама, тайёр тикуччилик буюмлари каби кен турдаги маҳсулотлар намойиш этилмоқда. «Шарқ либослари» дизайнерлик марказининг табиий матолардан тикилган либослар намойиши хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу Ўзбекистонда мода саноати катта имкониятларга эга эканидан далолатдир.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи

директори А.Гитчунс, Бремен пахта биржаси бошқаруви аъзоси Ф.Гробен, Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси бош директори К.Шиндлер, Жанубий Корея тўқимачилик соҳаси технологияларини ривожлантириш институти директори Х.Пак ва бошқалар Ўзбекистон билан пахта ва тўқимачилик соҳасидаги ҳамкорлик кўплаб афзалликларга эга эканини таъкидлади. Бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда иқтисодий муносабатлар эркинлаштирилаётгани, юқори сифатли хомашёнинг мавжудлиги, энергия манбалари билан барқарор таъминлаш, йирик ташқи савдо бозорларига чиқиш имконияти ва ички бозорнинг ривожланиши бораётгани билан боғлиқдир. Давлатимиз томонидан инвесторларга салмоқли солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар берилаётгани мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ярмарканиннг биринчи кунда мамлакатимиз худудларининг инвестициявий салоҳияти ва тўқимачилик соҳасидаги лойиҳалар тақдими ўтказилди. Ўзбекистон пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиб олаётган мамлакатлар делегациялари билан бўлиб ўтган музокара-ларда юртимизнинг ушбу маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари ҳамда ташқи савдо компаниялари вакиллари қатнашди.

Х Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев сўзга чикди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



Нобель мукофоти совриндорлари аниқланмоқда

Ўтган ҳафта Стокгольм (Швеция) ва Осло (Норвегия) шаҳарларида 2014 йилги Нобель мукофоти совриндорлари номи эълон қилиниши билан эсда қоладиган бўлди.

Хозиргача физиология ёки тиббиёт ҳамда физика ва кимё йўналишидаги мукофот эгалари номи маълум бўлди.



Тиббиёт йўналиши бўйича Жон О'Киф ва эр-хотин Май-Брит ва Эдвард Мозерлар бош мия тўқималари биологияси устида олиб борган изланишлари учун (улар инсон ҳаракатланиш йўналишлари тизимини шакллантирадиган миядаги ҳужайраларни аниқлашга муваффақ бўлган) мукофотга сазовор бўлган бўлса, япониялик олимлар Исэма Акасаке, Хироси Аmano ва Судзи Накамура янги тежамкор ва экологик тоза ёруғлик манбаи — кўк рангли ёруғлик фидоларини ихтиро қилганлиги учун физика йўналишида Нобель мукофотини кўлга киритдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур ихтиро яқин келажақда анъанавий ёруғлик лампаларининг ўрнини босиши кутилмоқда.

Кимёгарлар Штефан Хелль (Германия), Уильям Мернер ҳамда Эрик Бетциг (АҚШ)лар эса кимё йўналиши бўйича Нобель мукофоти соҳибига айландилар.

Бу олимлар юқори аниқликдаги микроскопни ихтиро қилишган. Ушбу микроскоп майда заррачалар тузилишини ўрганиш имконини беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, алоҳида тирик молекулалар структурасини ўрганиш орқали янги дори воситаларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Кашф этилган микроскоп олдинги ёруғлик микроскопларига қараганда бирмунча устуликка эга.


Адабиёт йўналиши бўйича Франциялик ёзувчи Патрик Модино мукофотга лойиқ деб топилди. 1945 йилда таваллуд топган ва 30 дан ортиқ романлар муаллифи асарларининг деярли ҳаммасида Иккинчи жаҳон уруши даврида Франциянинг иштиро қилинишига оид воқеалар акс эттирилган.

Букмекерлар ва журналистлар томонидан кенаялик Нгуи ва Тхионго, япониялик Ҳаруки Мураками ва беларуслик Светлана Алексиевич ҳам бу йилги номинантлар қаторида қайд этилган эди.

Мукофот эгаларини тақдирлаш маросими шу йилнинг 10 декабрида — шведиялик ихтирочи Альфред Нобель (1833-1896) вафот этган санада бўлиб ўтади.

Ҳар нарсада меъёр яхши

Инсон организми истеъмолдаги ҳар бир модданин меъёри бўлиши талаб қилади. Меъёрнинг бузилиши эса...



Олимларнинг аниқлашларича, дейилади «Аргумент и факты» ҳафталигида чоп этилган ахборотда, қон таркибида хатто темир моддасининг ортиқча йиғилиши ҳам организм учун зарарли бўлиб, айниқса, жигарнинг касалликка мойиллигини кучайтиради, шу билан бирга цирроз юзага келишини оsonлаштириб, унга шариот яратди.

Шу боис олимлар спиртли ичимликларга ружу қўйганларни ва сариқ касали билан оғирланганлари темир моддасига бой озик-овқатлар, биринчи галда гўшт маҳсулотларини кам истеъмол қилишга чақирди.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар ўртасида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади.

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга 2014 йилнинг 1 январидан 1 декабрига қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп

этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган эълон молиявий кўмагида бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар (телевизор, ноутбук, планшет) билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусида ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2014 йил 10 декабрига қадар куйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий қўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@mail.ru, mmf.uz@mail.ru

Ташкилий қўмита

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Жасоратга ундаган метин ирода

Нигороҳон Эргашевани Қўштепада танимайдиганлар бўлмаса керак. Кимдир кўли гул тикувчилигини таърифласа, бошқаси камтарлиги ва иродали эканлигини мактайд. Ўзбекистон Президенти Фармонига асосан «Жасорат» медали билан тақдирланган кун эса Қоражийда кишлоғидаги тикувчилик устaxonасига уни табриқлаб келувчиларнинг саноғи бўлмади.



— У ҳақиқатан ҳам жасоратли киз, — дейди Санобар ая Холматов. — Жуда муносиб мукофот берилибди. Унинг қилаётган ишлари ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Кийимларни-ку қўяверасиз, шундай чиройли тикадики, ҳеч бир камчилик тополмайсиз.

— Ёзувчи бўлганимда, метин иродали инсон — Нигороҳон ҳақида қисса ёзардим, у ҳар қандай таҳсинга лойиқ, — дейди ёши салкам бир асрага бориб қолган Рўзимат ота Қоплонов.

Нигороҳон Эргашева билан учрашиб, унинг ҳаёт йўли, қилаётган ишларини кўргач, Рўзимат

ота нечоғли ҳақ эканига ишонч ҳосил қиласан киши.

...Олдий ишчи Толибжон ва Ҳабибхон оиласида дунёга келган биринчи фарзандига яши ниятлар билан Нигороҳону деб исм қўйишди. Аммо қувончи кунлар узоққа бормасди. Уч ёшли Нигороҳон тўсатдан оғир хасталанди. Шифокорлар бор чораларни кўрдилар. Лекин эндигина чопқиллаган қизалоқнинг полиомеллит касаллиги туфайли ҳаракат аъзолари мажолсиз қолди. Кунлар, ойлар, йиллар ишонч ва қаноат билан тиббий муолажалар билан ўтди. Гарчи оилада Нигороҳондан сўнг яна икки қиз, тўрт ўғил дунёга келиб соғ-омон ўсаётган бўлса-да, Толибжон ва Ҳабибхонлар тўнғич қизига, эътиборини бир зум ҳам сусайтиришмади. Нима қилсақ, унинг бегубор чиройи очилсақ, қувонади?..

— Уша кунлар туну кун ҳамроҳим китоб ва телевизор эди, — дейди Нигороҳон. — Бир сафар бир ногирон йигит ҳақида кўрсатув берилди. У оёқлари билан радио, телевизор тузатар эди. Уни кўриб жуда таъсирландим. Менинг қўларим соғ-ку. Нега уйда ётибман... Эрталабгача ухлай олмадим. Тонг отгач, дадамга кўнглимдагини айтдим. Мени Фаргона шахридаги махсус касб-ҳунар коллежига олиб бордилар. У

кўринган аёллар кийими нусхалари, миллий удумларининг ўзига хос чизилари, буларнинг ҳаммасини умумлаштириб, тасаввуримни қозғога қайта-қайта чизиб, сўнг мижозга либос шаклини таклиф қилардим. Биринчи бор тиккан қўйлагимни кийган тенгдошим қувончи менга куч берди, бир ғайратимга ўн ғайрат қўйди. Ўзига ярашган кулдиргини унинг чиройини янада очиб юборди.

Кунларнинг бирини Толибжон хонадонига Қоражийда қишлоқ фуқаролари йигини раиси Маҳкам ака Алибоев кийиб келди.

— Гап бундай, элга танилиб қолдинг. Энди идорадан катта бир хонани берамиз. Ёнингга кишлоғимизнинг ёш қизларидан шогирдликка оласан. Қачонгача одамларимиз келин сепини тикдиргани шайхга қатнайд. Миллий кийимлар тикиш устaxonасини очасан. Зарур ёрдамни берамиз.

Кутилмаган бу таклиф Нигороҳонни шошириб қўйди. Ахир, устaxonа очиб, шогирд олиш учун аввал бир неча тикув машинаси, бичув столи, кийиб кўриш жойи... э, борингича ҳам анжом, ҳам маблағ кер-

ЎЗХДП туман кенгаши бизга оталиқ қилмоқда. Кредит олиш ва қурилиш билан боғлиқ барча ҳужжатларни тайёрлади...

ерда тикувчилик касбига ўқидим. Коллежни тугатгач, мустақил иш бошлаш анча қийин бўлди. Сабр билан, изланиб ишладим. Мода журналлари, телевидениеда

рак эди. Шунда Қўштепа туман ногиронлар жамияти раиси Одилжон Шайхов жонга оро бўлди.

— Ҳеч иккиланма, — деди Одилжон ака. — Ўзбекистон

ИФТИХОР

Осиё ўйинлари голиб ва совриндорлари шарафланди



Санжаар ШОТЎЛДАНОВ олган сурат.

Мамлакатимизда халқаро майдонларда юксак галабаларни кўлга киритиб, Ватанимиз шухратига шухрат қўшаётган спортчиларни ардоқлаш, уларнинг ютуқларини муносиб тақдирлаш аънавага айланган.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални кўлга киритиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини янада юксалтиришга, халқимизнинг қудрати ва салоҳиятини намойиш этишга муносиб ҳисса қўшди.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2014 йил 8 октябрдаги Фармойишига мувофиқ Осиё ўйинлари-нинг голиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Куни кеча пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида XVII Осиё ўйинлари голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Таъдбирда Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда

барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимизнинг эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки олтин медални эркин кураш устаси Бекзод Абдураҳмонов (70 кг) тақдим этди. Шунингдек, полвонларимиз Рашид Курбонов (74 кг) ва Рустам Аскалов (84 кг) ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Жуда ҳаяжонданман, — дейди тантанада сўзга чиққан олтин медал соҳиби, **таэквондочи Жасур Бойқўзиев.** — Халқаро майдонларда тугилиб ўсган Ватан шаънини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта шараф! Спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишимиз, халқаро майдонларда юксак галабаларга эришимиз учун зарур шароит ва имкониятларни яратиб бераётган, биз ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаётган Президентимиздан беҳад миннатдоримиз. Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан келгусида жаҳон чемпиони ва Олимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз байрогини баланд кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Канозда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков яна бир бор ўзининг тенгсизлигини намойиш этди. Истеъдодли спортчимиз Инчонда кетма-кет учинчи марта Осиё ўйинлари голиби бўлди. Байдаркада эшак эшиш бўйича Алексей Мочалов ҳам Осиё ўйинлари олтин медални билан тақдирланди.

— Мен учун ҳар бир соврин алоҳида қадр-қимматга эга, — дейди **канозчимиз Вадим Меньков.** — Шохсупага

Еттикураш баҳсларида Екатерина Воронина қитъамизда тенгсиз эканлигини намойиш этди.

Шунингдек, Осиё ўйинларида спортчиларимизнинг бокс, дзюдо, каратэ-до, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, теннис турлари бўйича ҳам Ватанимизга медаллар билан қайтганликлари қувонарлидир.

— Қитъа олимпиадасида бир қатор умидли ва ёш спортчиларимиз иштирок этди, — дейди оғир атлетика бўйича **Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Баҳром Абдумаликов.** — Шунга қарамай, кескин ва муросасиз кечган беллашувларда вакилларимиздан Махлиё Тоғаева, Сардорбек Дўсмуродов, Улуғбек Алимов бронза медални билан тақдирлангани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Чунки ноябрь ойининг дастлабки ўн кунларида ҳам тақдорлашга бор куч ва имкониятни ишга соламан.

Осиё ўйинларида эришилган галабаларга хотин-қиз спортчиларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Бу эса юртимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб бораётгани, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантиришга қаратилаётгани эътиборинг юксак самарасидир. Жумладан, Инчонда бадий гимнастикачиларимиз Жамила Раҳматова, Равия Фархутдинова, Валерия Давадова ва Анастасия Сердюковдан иборат жамоасини олтин медал билан тақдирланди.

Енгил атлетикачиларимиздан ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил баландликка сакраш баҳсларида энг юқори натижа кўрсатиб, қаторасига иккинчи бор Осиё ўйинлари голиби бўлди.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕННИС

«Челленжер» кашфиётлари

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида бир ҳафта давом этган аънавий «Челленжер — 2014» халқаро турнири якунидди. Мукофот жағфармаси 125 миң АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмадан зиёд давлатидан ташриф буюрган ракетка усталари ўзаро кураш олиб бордилар.



Яккалик учрашувлари финалида словакиялик Лукас Лачко украинлик Сергей Стаховскийга қарши кортга чиқди. Унда словакиялик теннисчи рақибларини 6/2, 6/3 ҳисобларида устун келиб, бош совринни кўлга киритди.

Тошкент «Челленжер»ида 2012 йилдан бери мунтазам иштирок этиб келаётган Лукас Лачко учун жуфтлик баҳслари ҳам омадли келди. Словакиялик ракеткачи ва хорватиялик Анте Павич «дўз»и финалгача барча рақибларини енгди. Мухлислар ҳал қилувчи учрашувда мазкур жуфтлик ва Франк Мозер/Александр Сачко (иккиси ҳам Германия)лар баҳси гувоҳи бўлдилар. Унда Лукас Лачко/Анте Павич рақибларига қарши муносиб ўйин (6/3, 3/6, 13-11) намойиш этди.

Эътиборлиси, еттинчи мартаба ўтказилган «Челленжер» халқаро турнирида илк бор ҳам яққалик, ҳам жуфтлик учрашувларида зафар қучган Лукас Лачко ўз юртига бош соврин билан қайтишга мушарраф бўлди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

ПРЕМЬЕРА

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига асосан «Ватан» киностудиясида тасвирга олинган «Гумроҳлар» фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Ҳилол Насимов, Фильмда асосий ролларни Эркин Комилов, Хайрулла Саъдиев, Мирза Азизов, Самандар Ҳамроқулов каби таниқли санъаткорлар ижро этган.

«Гумроҳлар» — Ватан қадри ҳақидаги ҳаётий фильм

Ушбу фильмнинг сюжети ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўпла- ган ҳужжатлар асосида яратилган бўлиб, воқеалар Андижон вилояти- да ва айрим хорижий мамлакатлар- да тасвирга олинган.

...Оллоёр Шуқуров зўр тадбир- кор чиқди. У оиласи билан жуда бах- ли яшар, таърифи узокларга етган эди. Бир куни унинг ишончасига но- таниш аёл келди ва Оллоёрга дунё- да чиқиб тақлифини билдирди. Энди тадбиркорда ўз фаолиятини хориж- да давом эттириш фикри туғилди. Ўзга мамлакатларда уни қутилмаган синовлар кутарди. Оллоёр ўз оила- си ва юртини ташлаб кетди. Ёт оқим- ларнинг чангалига илинди, виждони ва кўнглига қарши борди. Фильмда хориж мамлакатларида мустақилли- гимиз ва тинчлигимизга раҳна сол- моқчи бўлган кимсаларнинг қиёфа- лари далиллар орқали очиб бериш- га ҳаракат қилинган.

Асарда шароит тақозоси билан ўзга мамлакатларда истиқомат қила- ётган юртдошларимизнинг ҳаёти, со- гинчи, дарди ва изтироблари акс эт- ган. Ўзбекистон халқ артисти Мухаббат Шамаевнинг иштироки, айниқса, таъсирли чиққан. Унинг Ўзбекистон ҳақида тўққинлиниб, фахрлиниб сўзлашини эшитган то- мошабин олтин қафас ичидаги бул-

булнинг ўз тиконзорларига ташна ҳолатини сезгандай бўлади. Хонан- да томонидан «Кўчалар» қўшигининг жонли ижро этилиши фильмга ўзга- ча руҳ бағишлаган.

Фильмдаги ўз юртини соғинаёт- ган кишининг ўйларига эътибор қилинг: У бегона тупроқда жон бе- ришдан кўради. Хашамат ичидаги ҳаётдан кўра, ўз юртида оддий ин- сон бўлиб яшагиси келади.

— Катта ўғлим гапимга кирмай- ди. Қандайдир гуруҳларга аралашиб қолган. Кичкина ўғлим бир ойдан бери уйда йўқ, қаердалигини ҳеч ким билмайди. Шу ҳам яшашми? — дей- ди хорижда яшаётган фильм қаҳра- мони.

Бу каби огоҳликка ундовчи кадр- лар фильмнинг янада жонли ва таъ- сирчан чиқишига хизмат қилган. Ре- жиссёр томонидан танланган актёр- лар ансамбли персонажларнинг ҳаётий чиқишида муҳим ўрин тут- ган. Қисқа қилиб айтганда, мазкур картина турли ёт гоёлар таъсирида халқимизнинг тинчлиги ва осойиш- талигига путур етказмоқчи бўлган кимсаларнинг аянчи қисматидан хижоа қилади ва барчамизни огоҳ- ликка даъват этади.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама



«ЎЗВИНОСANOAT-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига тақлиф этади.

Иш тартиби: душанба — жума кунлари соат 9:00дан 18:00гача.
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.

ФУТБОЛ

Галаба ва дуранг

Шу кунларда футбол бўйича Мьянмада ёшлар (U-19) ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати қизгин давом этмоқда.

Мусобақанинг «В» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки турда индонезиялик тенкурлар билан куч си- нашди. Ҳамюртларимизнинг тўлиқ устулигида кечган мазкур ўйинда 3:1 ҳисоби қайд этилди. Унда ва- килларимиздан Достон Ҳамдамов, Забиҳилло Ўринбоев ҳамда Отабек Шуқуровлар голларга муаллифлик қилди.

Гуруҳнинг иккинчи тур учрашув- ларида Равшан Хайдаров шогирд- лари Бирлашган Араб Амириклари футболчиларига қарши майдонга тушди. Бутун ўйин давомида катта ташаббусга эга бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидан мухлис- лар яна галаба куттишганди. Унда гарчи БАА вакиллари ҳисобини очган бўлса-да, аввалига Элдор Шомуро- дов ўртадаги мувозанатни тиклади. Сўнгра Забиҳилло Ўринбоев ўз жа-



моасини олдинга олиб чиқди — 2:1. Кўпчилик ўйин шу ҳисобда якунла- нишни таҳмин қилаётган бир па- лада, аниқроғи, охириги дақиқалар- да рақиб жамоа аъзолари дарвоза- мизни ишғол этиб, ўртадаги фарқ- ни йўққа чиқарди — 2:2.

— Ҳаётда галаба қозониш учун жамоамизда бир қанча имкониятлар бўлди, — деди учрашувдан сўнг бош мураббий Равшан Хайдаров. — Аф- суски, бунинг иложини тополмадик. БАА футболчиларига қарши баҳсда

кўлдан чиқарилган галабани тезроқ унутиб, навбатдаги ўйинга тайёрланамиз. Австра- лияга қарши учрашувда фа- қат галаба учун майдонга ту- шамиз.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда австралиялик ёшлар Индонез- ия футболчиларини кичик ҳисобда енгди — 1:0.

Ҳамюртларимизнинг «плей-офф» босқичига йўллан- мани кўлга киритиши учун сўнги ўйинда камида дуранг йўнашлари талаб этилади. Ёшлари- миз ҳозирда австралияликлар билан бир хил — 4 очко жағмаган ҳолда «В» гуруҳида пешқадамлик қилмоқ- да.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоа- си гуруҳдаги охириги учрашувни бу- гун Австралия вакилларига қарши ўтказса, БАА футболчилари мазкур «квартет» аутсайдер Индонезия терма жамоаси билан баҳс юрита- ди. Учрашувлар Тошкент вақти би- лан соат 17:00 да бошланади.

РЕКЛАМА

Тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!

Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг Болалар хирургияси Самарқанд филиали

Юқори частотали рақамли рентгено-график/скопия системаси сотиб олишга тендер (танлов) савдоси эълон қилади.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи, манзили ва банк реквизитлари:

Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг Болалар хирургияси Самарқанд филиали. 140154, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70-А уй. Телефонлар: (0-366) 233-78-84, 233-58-92, 233-27-00. Электрон почта: a-shamsiev@mail.ru

Молия вазирлигининг газна- чилик умумий ҳисоб рақами: 234402000300100001010, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси, МФО 00014, СТИР 201122919 Ш/Х; 4014218601840179501-00054018 (тендер ҳужжатларини

олиш ва гаров пули ўтказишга шартномалар тузиш учун) Ш/Х; 1000218601840170732-01054011 (тиббий асбоб-ускуна те- жавиб бериш шартномаси тузиш учун) СТИР 201213693, ОКОНХ 91511

Тендер (танлов) предмети: Юқори частотали, рақамли рентгено-график/скопия система- си сотиб олиш.

Харид қилинаётган тиббий ас- боб-ускунанинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатла- рида акс эттирилади.

Ўтказиб бериш шартлари: Юқори частотали рақамли рент- гено-график/скопия системаси ет- казилиб берилиши шарт. Ўтказиб бериш муддати тендер (танлов) ҳужжатларида кўрсатилган. Тендер (танлов) бошлангунга

қадар тендер комиссияси томони- дан талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини со- тиб олиш баҳоси 100 000 сўм ва закат (тендер тақлифи кафолати) шартнома миқдори 470 000 000 (тўрт юз етмиш миллион) сўмгача ташкил этади.

Тендер (танлов) тақлифларини қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 17 ноябрь соат 15:00 (маҳаллий вақт билан)гача.

Тендер (танлов) савдосини ўтқа- зиш шартлари юзасидан қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсат- илган манзил бўйича Республика ихтисослаштирилган Педиатрия ил- мий-амалий тиббиёт марказининг Болалар хирургияси Самарқанд фи- лиалига мурожаат этиши мумкин.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIRIR HAY'ATI:

- | | | |
|---------------------|------------------|--------------------------------------|
| Abdulla O'RIPOV | Ulug'bek | Saidahmad RAHIMOV |
| Hotamjon KETMONOV | MUSTAFOYEV | Farrux HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | MUHIDDIN | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV | MUHIDDINOV | Tat'yana KISTANOVA |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Ochilboy RAMATOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) |

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059 11315 Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 22.50 Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5